Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · "Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini t... DOI: 10.5281/zenodo.24321079

ta'minlashning ustivor yo'nalishlari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

бўлган Неъматжонова Дурдонанинг спортда эришган ютуқларини кенг оммага тақдим этишган.

Иқбол газетасини 11-сонида эса ғолибни табриклаш мақсадида "Мукофот муборак Юлдузой" сарлавҳаси остида таҳририят ғолибга табрик йўлланган.

Бу албатта юртимизда хотин-қизларга бўлган эътиборнинг бир кичик намунаси халос. Айниқса ҳозирги кунларда хар соҳада уларни қўллаб қувватланиши ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши бутун дунё эътиборида. Бунга жавобан хотин-қизларимизни спортда дейсизми, илм-фанда дейсизми эришиб келаётган ютуқлари ислоҳотлар зое кетмаётганини кўрсатади

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШДАГИ ЯШИРИН ХАРАЖАТЛАРНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Рашитова Нилуфар Хатамбаевна
Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети
Илмий бўлим ходими, и.ф.н.,
e-mail: nrahsitova@wiut.uz

АннотацияЎзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги, айниқса пахта ва буғдой етиштириш, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бироқ, бу экинларни етиштиришга таяниш кўпинча сиёсат ишлаб чиқишда ва жамоатчилик муҳокамасида эътибордан четда қолаётган муҳим яширин харажатларни келтириб чиқаради. Ушбу тадқиқотда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан ишлаб чиқилган "Ҳақиқий харажатлар ҳисоби" методологиясига асосан экологик омилларнинг яширин харажатлари тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: яширин харажатлар, пахта етиштириш, буғдой етиштириш, ҳақиқий харажатлар ҳисоби, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат қиймат занжири, иссиқхона газлари эмиссияси, сув танқислиги, тупроқ деградацияси, ўғитлар сизиб чиқиши, пестицидлар билан ифлосланиш, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)

Кириш Ўзбекистон Республикасининг "2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясида кўрсатиб ўтилганидек, иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш, яъни 2030 йилга келиб ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газлари чиқиндилари миқдорини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга пасайтириш, сув ресурсларини бошқариш, яъни сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида бир миллион гектаргача майдонда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш каби асосий вазифалар сифатида кўрсатилган бўлиб [1], бу вазифаларни бажаришда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳам ҳиссаси катта ҳисобланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги сектори миллий ялпи ички маҳсулотнинг деярли 25 фоизини ташкил этади ва аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида пахта ва буғдой етиштириш асосий ўринни эгаллайди. Бу экинлар узоқ вақтдан бери иқтисодий ўсиш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини таъминлаб келмоқда. Бироқ, пахта ва буғдойни интенсив етиштириш атроф-муҳитнинг бузилиши, сув танқислиги ва соғлиқ билан боғлиқ муаммоларни ўз ичига олган катта ҳажмдаги яширин харажатларга олиб келмоқда. Шунинг учун бугунги кунда яшил ўсишни таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ҳисобга олинмаётган яширин харажатларни аниқлаш ва

Published: 23.12.2024

Cite this article: Рашитова Нилуфар Хатамбаевна (2024). Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги яширин харажатларни статистик баҳолаш. Emro Science and Education, 1(4). https://doi.org/10.5281/zenodo.24321079

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

баҳолаш, ҳамда бу харажатлар улушини камайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурий аҳамият касб этади.

Озиқ-овқат қиймат занжирида яратилган маҳсулотнинг яширин харажатлари тўғрисидаги баҳслар 2010 йиллардан бошлаб қизғин мунозара тусини ола бошлади. 2021 йил 23 сентябрда Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан ташкил этилган Озиқ-овқат тизимлари саммитида [6] қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бўйича мутахассислар гуруҳи томонидан “Озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳақиқий таннархи ва нархи” мавзусидаги маърузада яширинган харажатларни баҳолаш методологияси таклиф этилган. Шундан сўнг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертлари томонидан мазкур мавзу юзасидан қизғин тадқиқотлар олиб борилмоқда. ФАОнинг “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ҳолати” (The State of Food and Agriculture) рукнида нашр этилаётган ҳисоботлари озиқ-овқат ишлаб чиқариш қиймат занжиридаги яширин харажатларни баҳолашга бағишланган [3, 4].

Методология

Яширин харажатларни ҳисобга олиш методологияси озиқ-овқат қиймат занжирига таъсир этувчи ташқи омиллар (externalities) натижасида юзага келадиган яширин харажатларни миқдорий баҳолаш ва қиймат шаклга келтиришга асосланади. 1-жадвалда тўрт хил турдаги ташқи омиллар кўрсатилган: экологик, ижтимоий, саломатлик ва иқтисодий омиллар [7]. Ушбу ташқи омилларнинг қиймат шаклига келтириш “Экотизимлар иқтисодиёти ва биохилма-хиллик” стандартлари методологиясига асосланади [5]:

Экологик харажатлар учун аввал турли хил атроф-муҳитга таъсирлар жисмоний жиҳатдан баҳоланади, сўнгра уларнинг турли экотизим хизматларига келтирадиган зарарлар қиймати ҳисобланади.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш харажатлари йўқотишларнинг бозор қийматидан (озиқ-овқат исрофи, ўғитларнинг сизиб чиқиши ва тўйиб овқатланмасликнинг кенг тарқалиши туфайли маҳсулдорликнинг пасайиши), шунингдек, қашшоқлик даражасини камайтириш учун зарур бўлган харажатлардан келиб чиқади.

Саломатлик харажатлари учун дастлаб қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат тизимининг ўлим ва касалланиш кўрсаткичларига жисмоний таъсири аниқланади, кейин бу жисмоний таъсир пул кўринишида баҳоланади.

1-жадвал


Озиқ-овқат занжиридаги ҳисобга олинмаган ташқи омиллар

Ташқи омиллар	Ташқи омилларга мисоллар	Якуний оқибатлар
Экологик	Ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланиши, иссиқхона газлари эмиссияси, ердан фойдаланиш, қайта тикланадиган ресурслардан нооқилона фойдаланиш, тупроқ эррозияси, камёб материаллардан фойдаланиш, сувдан фойдаланиш	Иқлим ўзгариши, соғлиққа таъсири, абиотик ресурсларнинг камайиши, биотик ресурсларнинг, шу жумладан экотизим хизматлари ва биологик хилма-хилликнинг камайиши
Ижтимоий	Ҳайвонлар фаровонлиги, болалар ва мажбурий меҳнат, камситиш ва тазйиқ, юқори ва ўзгарувчан нархлар, касбий тайёргарлик, кам иш ҳақи ва даромаднинг етарли эмаслиги	Камбағаллик, фаровонлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва инсоний кўникмалар
Саломатлик	Антимикроб резистентлик, тўйиб овқатланмаслик, носоғлом овқатланиш тартиби, зооноз касалликлар	Инсон ҳаёти (ўлим ва яшаш сифати), иқтисодий (тиббий харажатлар, йўқотилган иш кунлари)

Иқтисодий	Озиқ-овқат исрофи, солиқдан қочиш	Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши ва давлат маблағларининг камайиши

Тадқиқот натижалари

Республикада олиб борилган озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган сиёсат ҳамда жаҳон бозорида харидоргир бўлган пахта хом ашёсини етиштиришга қаратилган устуворлик, бугунги кунда буғдой ва пахта учун ажратилаётган экин майдонлари деярли 70% ни ташкил этмоқда (1-расм). Бу экинлар асосан фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган бўлиб, сабзавот ва мева етиштиришнинг асосий улуши деҳқон ва томорқа хўжаликларига тўғри келмоқда.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги экинлари майдони, жамига нисбатан фоизда (2019-2022 йиллар)[*]

2-жадвалда пахта ва буғдой экинлари учун 2022 йилдаги яширин харажатлар кўрсатилган. Ҳар бир индикатор бўйича пахта ва буғдой учун ҳисобланган харажатлар 2020 йил харид қобилияти паритети (PPP) асосида долларда берилган.

2-жадвал

2022 йилда экин қиймат занжирларидаги яширин харажатлар (2020 йил харид қобилияти паритети бўйича долларда)

Яширин баҳо индикаторлари	**Пахта**	**Буғдой**
Иссиқхона газлари эмиссияси	2 486 561 213	632 026 080
Кўк сув сарфи	12 030 320	53 653 675
Ўғитларнинг сизиб чиқиши	45 012 105	53 367 930
Пестицидлар билан ифлосланиш	205 956 603	252 117 597
Чиқинди	-	965 595 400
Жами	**2 749 560 241**	**1 956 760 682**

Бир тонна етиштирилган экин миқдорига ҳисобланганда яширин баҳо пахта учун 785 доллар/тонна, буғдой учун 312 доллар/тоннани ташкил этади. Натижалар пахта экини учун яширин харажатлар буғдойга нисбатан юқори эканлигини кўрсатади. Иссиқхона газлари эмиссияси пахта екини учун асосий харажат

[*] Манба: [2] асосида муаллиф ҳисоби.

ҳисобланади, буғдой эса кўк сув сарфи ва пестицидлар билан ифлосланишда юқори даражадаги харажатга эга.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистоннинг пахта ва буғдой етиштиришга асосан унинг агросаноат озиқ-овқат тизимларининг барқарорлигига таҳдид соладиган сезиларли яширин харажатларни келтириб чиқарди. Бу харажатларни бартараф этиш учун экин турларини диверсификациялаш ва барқарор қишлоқ хўжалиги амалиётларини жорий этиш талаб этилади. Мақсадли сиёсатни жорий этиш ва инновацион ечимларни қўллаш орқали Ўзбекистон иқтисодий ўсишни атроф-муҳит ва ижтимоий фаровонлик билан мувозанатланадиган қишлоқ хўжалиги моделига ўтиши мумкин. Яширин харажатларнинг салмоғини камайтириш мақсадида қўйидаги таклифларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– экин турларини диверсификация қилишни рағбатлантириш;

– боғдорчилик экинларига ўтаётган фермерларга молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш.

– томчилатиб суғориш каби замонавий суғориш технологияларига сармоя киритиш.

– кимёвий моддалардан фойдаланишни тартибга солишни кучайтириш.

– ўғит ва пестицидлардан фойдаланиш устидан қатъий назоратни кучайтириш.

– субсидиялар ва салоҳиятни ошириш дастурлари орқали органик деҳқончилик амалиётини тарғиб қилиш.

Тадқиқотдаги чекловлар

Фермер хўжаликлари даражасида маълумотларнинг етишмаслиги ва айрим кўрсаткичлар учун минтақавий ўртача қийматлардан фойдаланиш яширин харажатларнинг аниқ қийматидан фарқ қилиши мумкин. Бу чекловларни юмшатиш мақсадида мутахассислар билан экспертлар билан суҳбат ўтказиш ва турли маълумот манбаларини таққослаш усулидан фойдаланилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 ноябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон Қарори.

2. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, 2023. – 288 б.

3. FAO. The State of Food and Agriculture 2023 – Revealing the true cost of food to transform agrifood systems. – Rome: FAO, 2023. – URL: https://doi.org/10.4060/cc7724en

4. FAO. The State of Food and Agriculture 2024 – Value-driven transformation of agrifood systems. – Rome: FAO, 2024. – URL: https://doi.org/10.4060/cd2616en

5. Markandya A. Accounting for the hidden costs of agrifood systems in data-scarce contexts – Background paper for The State of Food and Agriculture 2023 // FAO Agricultural Development Economics Working Paper. – 2023. – № 23-12. – Rome: FAO. URL: https://doi.org/10.4060/cc8423en

6. United Nations. United Nations Food Systems Summit: Action Tracks and True Cost Accounting (TCA) Framework. – New York: UN, 2021. – URL: https://www.un.org/foodsystemssummit

Von Braun J., Afsana K., Fresco L.O., Hassan M. (Ed.). Science and Innovation for Food Systems Transformation and Summit Actions, Papers by the Scientific Group and its partners in support of the UN Food Systems Summit. – ScGroup of the UNFSS, 2021. – URL: https://sc-fss2021.org

KORXONALARNING TASHQI BOZORGA CHIQISHIGA RAQAMLASHTIRISHNING TA’SIRI

Shoyev Alim Xalmuratovich
Guliston davlat universiteti – katta o‘qituvchi
alim_shoev@mail.ru

Shoyeva Shaxzoda Nematjanovna
Sirdaryo viloyati Sayhunobod tumanidagi 1-o‘rta maktab o‘qituvchi
shaxzoda_shoeva@mail.ru

Annotasiya: Raqamlashtirish korxonaning barqaror rivojlanishini yaxshilash vositalaridan biridir. Raqamli texnologiyalarni joriy etish firmalarga tashqi bozorga tezda kirish imkonini beradi. So‘nggi o‘n yilliklarda korxonalar raqamlashtirishga etarlicha e’tibor berayapti, bu esa korxonaning tashqi bozorga tezroq kirishini ta’minlaydi. Bugungi kunda ko‘plab xorijiy korxonalar ushbu modeldan xorijiy bozorda raqobatdosh ustunlik uchun foydalanadilar.

Kalit so‘zlar: Raqamlashtirish, avtomatlashtirish, tashqi bozor, korxona, raqamli texnologiyalar.

Raqamlashtirish (raqamli transformatsiya) – bu tashkilot rivojlanishini yangi bosqichiga olib chiqishga imkon beradigan biznes jarayonlariga zamonaviy axborot texnologiyalarini chuqur joriy etishdir. Bu nafaqat qo‘shimcha uskunalar va dasturiy ta’minotni o‘rnatish, balki korxonada sodir bo‘layotgan barcha jarayonlarni tubdan qayta qurishdir. Raqamlashtirish menejmentga yondashuvlarni o‘zgartiradi, qo‘shimcha aloqa usullarini rivojlantiradi (tashkilot ichida ham, tashqi dunyo bilan ham), yangi korporativ madaniyatni shakllantiradi. Buning natijasida korxonaning raqobatbardoshligi va samaradorligini sezilarli darajada oshadi.

Raqamli texnologiyalar kompaniya faoliyatiga kiritilganda bir qator afzalliklarni beradi, ular orasida ishlab chiqarish jarayonining xususiyatlarini faol ravishda o‘zgartirish va mahsulotlarning hayot aylanish bosqichlari uchun axborot integratsiyasini ta’minlash orqali ishlab chiqarishning moslashuvchanligini oshirish mumkin. Raqamli transformatsiya innovatsiyalarni joriy etish va biznes modellarini zamonaviy raqamli iqtisodiyot sharoitlariga moslashtirish orqali korxona biznes jarayonlarini sifatli yaxshilashni ta’minlaydi.

Foroudi P., Gupta S., Nazarian A. va Duda M.lar o‘z tadqiqotlarida raqamli texnologiyalarning firmaning marketing imkoniyatlariga ijobiy ta’sirini aniqladilar. Ular tadqiqotlarida raqamli texnologiyalarni ikkita asosiy komponent (axborot sifati va texnik xizmat ko‘rsatish qulayligi) aniqlaydi degan xulosaga kelishdi. Bundan tashqari, raqamli texnologiyalar, moddiy va nomoddiy aktivlar va marketing imkoniyatlari o‘rtasidagi munosabatlar kompaniyaning o‘sishi o‘rtasida vositachi sifatida muhim rol o‘ynaydi [3].

Korxonalar raqamlashtirishga o‘tkazilganda, biznes jarayonlari avvalgidan ancha moslashuvchan bo‘ladi. Texnologiyaning chuqur kirib borishi tufayli tashkilot deyarli bir zumda o‘zgaruvchan tashqi sharoitlarga – mijozlar ehtiyojlari, raqobatchilar faoliyati, davlat iqtisodiy siyosati va boshqalarga moslashish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Shu sababli, kompaniya nafaqat boshqa kompaniyalar rivojlanishda orqada qolganda yoki tashqi o‘zgarishlar natijasida bozorni butunlay tark etganda, balki ishonch bilan oldinga siljishda ham doimo raqobatchilardan oldinda bo‘ladi [2].

Shu bilan birga, ishlab chiqarishning ishlatilgan raqamli texnologiyalarga bog‘liqligi darajasining o‘sishini ta’kidlash kerak. Raqamli texnologiyalarga yuqori